

дайым баланың интеллектуал раўажланыўы ушын зэрүр дәрежеде жәрдем көрсетиўи хәм шараятлар жаратыўы керек. Бунын ушын мектепке шекемги билимлендириў мәкемелери тәрбияланыўшыларын хәр тәрәплеме педагогикалық қоллап-қуўатлаў арқалы оларды интел-

лектуал раўажландырыў процесиниң мазмұны, басқышлары, техникасы хәм методларын таңлаў - бул теориялық хәм әмелий тәрәптен тийкарланған ҳалда раўажланыўдың нәтийжелилигин анықлаўдан ибарат болады.

Әдебиятлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.
3. www. psihologu.ru. Учение Ж.Пиаже об интеллектуальном развитии ребенка.
4. www. psychologists.ru: Культурно-историческая теория Л.С.Выготского.

РЕЗЮМЕ

Маколада мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал ривожланиш хусусиятлари ва даражалари, мактабгача таълим муассасаларидаги машғулотларда болаларнинг ақлий, интеллектуал ва мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш натижаларини ҳақида ёзилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности интеллектуального развития детей дошкольного возраста, а также развитие умственного, интеллектуального и логического мышления у детей на занятиях в детском саду.

SUMMARY

The article is about the peculiarities of intellectual development of pre-school children, the results of children's development of mental, intellectual and logical thinking skills in pre-school classes.

ТАЛАБАЛАР МАТЕМАТИК ИҚТИДОРНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Г.С.Тлеубаева - ассистент ўқитувчи

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Нукус филиали

Таянч сўзлар: математика, қобилият, иқтидор, интеллект, креативлик, мотивация, ижодкорлик, педагогик ва ахборот технологиялар.

Ключевые слова: математика, умение, талант, интеллект, креативность, мотивация, педагогика и информационные технологии.

Key words: mathematics, ability, talent, intellect, creativity, motivation, pedagogy and information technologies.

Мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган улкан ўзгаришлар иқтидорли ёшларга бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартирди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: «Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратишнинг Республика тизимини ишлаб чиқиш керак» - деб таъкидлаганлар [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида – «тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларни тубдан қайта қўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди»-деб таъкидлаб ўтдилар [2].

Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунари таълимининг ва олий таълимда таълим олаётган иқтидорли таълим олувчиларни мақсадли тайёрлаш ва уларнинг ноёб истеъдодини руёбга чиқариш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш зарурати пайдо бўлди.

Педагогика ва психология фанларининг долзарб вазифаларидан бири қобилият ва иқтидор табиатини аниқлаш, инсонларнинг интеллектуал ривожланишининг тамойилларини ва қонуниятларини очиб беришдан иборат.

Иқтидор мавзусига оид анчагина назарий ва амалий манбалар тўпланган, масалан А.Н.Колмогоров, В.А.Крутецкий, Т.У.Ўтапов, Э.Ғозиев, Ж.Икромов, Н.Р.Ғайбуллаев, Д.Гилфорд, Дж.Рензулли, С.Л.Рубенштейн ва бошқалар. Бу олимларнинг фикрича, иқтидорнинг махсус турларидан ташқари, юқори даражали қобилиятлар сифатида тушуниладиган умумий ақлий иқтидор ҳам мавжуд. Иқтидор тушунчаси ҳозирги вақтда ўзида юқори интеллект, креативлик, эмоционал ва эркин хусусиятлар,

мотивация каби хусусиятларни акс эттирувчи мураккаб психологик ҳолат деб қаралади.

Ҳозирги кунда иқтидорни ривожлантириш хусусиятлари фаол ўрганилмоқда, иқтидор турлари ва структураси тадқиқ қилинмоқда.

Баъзи тадқиқотларда интеллектуал ривожининг юқори даражаси ва креативлик ақлий иқтидорнинг компонентаси сифатида ўз аксини топган. Лекин креативлик – бу юқори интеллект даражаси эмас. Креативлик – қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган жараён: муаммони сезмок, ўз билимларининг қоникарсиз ва етарли эмаслигини ҳис этиш, етишмайдиган элементларни олдиндан сезиш, муаммони тушуниш, ечимларини кидириш, гипотезалар қуриш ва бу гипотезаларни текшириш ҳамда натижаларини маълум қилиш. Қўпчилик тадқиқотлар кўрсатадики, (IQ) интеллект баҳоси интеллектнинг ижодий қобилиятлари ҳақида ҳукм чиқаришга имкон бермайди. Ижодкорлик – ақл омбори, ақлий жараёнларнинг муҳим сифати, тасаввур ва интуиция. Яна шу фактни ҳам рад этиш мумкин эмаски, ижодкорлик ва интеллект бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди, негаки юқори интеллект даражаси креативликни вужудга келишини таъминлай олмайди.

Б.М.Теплов қобилиятлар ва иқтидорга аҳамият бериб, шуни таъкидлайдики, иқтидор ҳақидаги изланишларни айнан қобилиятлардан бошлаш лозим. Қобилият сифатида қуйидагиларни тушунишни таклиф этади:

- а) бир инсонни бошқасидан ажратадиган индивидуал-психологик қобилиятлар;
- б) фаолиятнинг самарасини белгилайдиган қобилиятлар;
- в) орттирилган билим, қўникма ва малакаларга боғлиқ бўлмаган, лекин уларнинг тез ва осонлик билан эгалланишини ва орттирилишини белгиловчи хусусиятлар [5].

Доимо математиклар ўрганиладиган муаммоларни имкони борича геометрик нуктаи-назардан аниқ тасаввур қилишга ҳаракат қиладилар. Фазовий геометрик масалаларни ечишда турли кесимларни чизмада аниқ кўрсатиш имкони бўлмайди, бундай ҳолларда ҳосил

бўладиган кесимини фикран тасаввур қила олиш зарур. Геометрик масаланинг чизмасини чизиб, тасаввур қилмасдан туриб, уни ечишга киришиш машаққатли кечади. Шунинг учун ҳам новербал тасаввурга бўлган қобилият математик иқтидорнинг жуда муҳим компоненти ҳисобланади.

Дж.Рензулли ўқув дастури самарадорлигини ошириш, яъни бойитишнинг уч турини тавсия қилади. Биринчи икки тур барча тоифадаги, айниқса иқтидорли таълим олувчилар учун фойдалидир. Улар таълим олувчиларнинг қабул қилиш ва фикрлаш қобилиятларига асосланадилар. Ўқув дастурини бойитишнинг учинчи тури барча таълим олувчилар ва гуруҳларга мўлжалланган.

Унинг фикрича иқтидор «ўртачадан юқори бўлган қобилият», «креативлик» ва «масалани ечишга қаратилган тиришқоқлик – мотивация» каби учта тавсифлар уйғунлашувидир [7].

Кейинги йилларда таълим олувчилар иқтидорини ўрганиш муаммосига бўлган қизиқиш мамлакатимизда сезиларли даражада ўсди. Шу билан биргаликда ахборот-коммуникацион технологиялар муҳотида иқтидорни аниқлаш, иқтидорли таълим олувчиларни ўқитиш ва иқтидорни ривожлантиришда компьютерларнинг аҳамиятини ўрганиш ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

Инновацион таълим технологиялари ва ахборот технологиялардан интегратив фойдаланиш:

- «фан – таълим – амалиёт» узвийлигини таъминлайди;

- инновацион таълим технологиясининг мақсади, мазмун-моҳияти, муҳим белгилари, уларнинг услубий ва ахборот дидактик таъминотлари ҳамда имкониятлари бўйича батафсил маълумот беришга асослар етарли бўлади;

- анъанавий таълим методларидан фойдаланишда инновацион ёндашув асосида ахборот технологиялардан фойдаланишнинг янги кўринишларини қўллаш таълим самарадорлигига эришишга асос бўлади;

- инновацион таълим технологиясидан фойдаланишда ахборот технологиялари орқали ўзгартиришлар киритиш, ўхшаш манбаларни ўрганиш ҳамда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2018 йилни «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили» деб эълон қилиш муносабати билан шундай дейди: «Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Келгуси йилда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади» [3].

Инсонлар ва компьютерларнинг ўзаро мулоқатида хос хусусиятини ўрганишга доир қўллаб изланишлар олиб борилган. Аммо иқтидорли талабаларни ахборот-коммуникация технологиялари муҳотида ўқитиш ва иқтидорини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари махсус ўрганилмаган. Масалан, дастурлашга бўлган қобилиятларни аниқлаш методикаси ҳам етарли даражада ишланмаган. Кўпчилик ҳолларда бундай мақсадлар учун анъанавий интеллект тестлари ёки математик қобилиятларни ташхис қилишга қаратилган методлардан фойдаланишмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатадики, амалиётчилар фикри билан интеллект тестлари ва математик қобилиятларни ташхис қилиш методларининг натижалари кўпчилик ҳолларда бир хил бўлавермас экан. бу ҳолат эса юқоридаги методларнинг

ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасидаги дастурлаш иқтидорини аниқлаш учун ечиладиган масалалар билан валид эмаслигини кўрсатади. Иқтидор феноменини ўрганишда субъектнинг интеллектуал қобилиятларини ўрганиш билан чекланиш мумкин эмас. Биз олган маълумотлар талабаларнинг компьютерда ишлашга қанчалик киришганлиги ҳамда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш шароитида ижодий қобилиятларини намоён этиши каби махсус таҳлиллар зарурлигини кўрсатади.

Айтилган муаммоларнинг ечими, асосан мавзу бўйича тузиладиган махсус топшириқлар мазмунига боғлиқ. Топшириқлар мазмунан долзарб, талабаларнинг билим даражаси ва қизиқишига мос, янгиланиб турадиган, мустақил билишни ва удалай олишни рағбатлантирувчи бўлмоғи зарур.

Mathcad математик тизими илмий-техникавий ҳисоблар учун дунёда энг сара математик тизим ҳисобланади. Бу тизим сонли ҳисоблаш усулларини амалга ошириш ва математик моделлаштиришнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Тизимда бошланғич маълумотларни нафақат соф математик кўринишда, балки график кўринишда ҳам ифодалаш мумкин. Ушбу тизимдаги замонавий математика курсини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Умумий ўрта таълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари алгебра ва геометрия дарсларида бу тизимни қўллашга етарлича эътибор бермаяпди, натижада ўқувчилар ҳам бу математик тизим ҳақида маълумотларга эга бўла олишмаяпди.

Л.С.Выготский таълимни ривожлантириш эмас, балки тўғри ташкиллаштирилган таълим ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига олиб келадиган, таълимсиз ақлий ривожлантиришни амалга оширишнинг иложи бўлмас эди, деган гипотезани илгари суради [4].

Ўқув жараёнини ташкиллаштириш А.П.Тряпицина фикрича, қуйидагиларни ўз ичига олган ушбу фаолият механизмларини аниқ тасаввурларсиз амалга оширилмайди:

- синтез орқали анализ ёрдамида номаълумни кидириш;

- эвристик методлар ёрдамида номаълумни кидириш;

- ассоциатив механизмлар ёрдамида номаълумни кидириш;

- интуитивлик ва мантикийликнинг ўзаро таъсири, боғлиқлиги асосида номаълумни кидириш [6].

Таълим олувчиларнинг математик иқтидорини ривожлантириш жараёни – математика ўқитишда таълим олувчилар ижодий фаолиятини ташкиллаштиришдаги ўқитувчиларнинг профессионал маҳоратига боғлиқ бўлиб, улардан предметини чуқур билиш ва юқори даражадаги методик санъатга эга бўлишлиги талаб этиладиган педагогик жараён ҳисобланади.

Мавзуга оид ўрганилган тадқиқотларда олий таълимда математика фанларини ўқитиш жараёнига муаммоли, модулли, ўйин ва бошқа технологиялар, интерфаол методлар, турли дидактик воситаларни жорий этиш асосида математика таълими самарадорлигини орттириш, талабалар билиш жараёнларини такомиллаштириш назарда тутилган. Таҳлилларга кўра, олий таълимда математикадан амалий машғулотларни ташкил этиш муаммосига бағишланган диссертация ишлари мавжуд бўлиб, уларда асосий эътибор математик мисол ва масалалар мазмунига қаратилган. Олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар методик тизими компонентлари (мақсад, мазмун, метод, восита, натижа, профессор-ўқитувчи ва талабалар фаолияти) ва улар орасидаги мураккаб муносабатлар, ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар мутаносиблигида талабалар математик иқтидо-

рини яхлит педагоги тизим сифатида алоҳида илмий-тадқиқот иши доирасида ўрганилмаган.

Халқаро микёсда кадрлар тайёргарлиги юқори сифатини таъминлашда назарий билимлар заҳирасини бойитиш эмас, аксинча, ўзлаштирилган билимларни ҳаётий амалий муаммоларни ҳал этишда қўллаш олиш лаёқатини шакллантириш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ўзида акс эттириб таълим олувчиларни билиш жараёнининг фаол субъекти даражасига олиб чиқувчи «blended learning», «flipped learning», фрейм технологияларидан фойдаланиш дунё педагогикасининг имкониятларини кенгайтирмоқда.

Тадқиқот давомида хорижий давлатларда кенг қўлланиладиган «Basket», «Shadowing» инновацион таълим методлари асосида дарсларни ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилди.

«Basket» (инглизча – сават) методи бу амалий таълимда яхши самара берувчи, гуруҳларда ишлаш бўйича кўникмаларини ҳосил қилувчи, касбий компетентлик ва шахсий сифатларини (иктидор, билим, кўникма, малака ва ҳ.) шакллантиришга, муаммоли вазиятларни жамоа бўлиб ҳал этишга ундовчи интерфаол таълим методлари.

«Shadowing» методи ғарбда, хусусан Буюк Британияда профессионал таълимда фаол қўлланилади. бу метод таълимда асосан битирувчиларнинг диплом олди амалиётларида, касбий билим, кўникма ва малакалари-

ни такомиллаштиришда, шахсий сифатларни, жумладан ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, мустақил иш юритишга, танқидий таҳлил қилишга ўргатишда яхши самара беради.

Иқтидорли таълим олувчилар билан ишлайдиган ўқитувчилар эга бўлиши лозим бўлган ўзига хос сифатлар қуйидагилар: ўқитувчининг юқори интеллектуал ривожланиш даражаси, ўз предметини мукамал билиши; таълим олувчиларни ташхислаш асосидаги натижаларга асосланиб ўқитишни ташкил этишни билиши; ўқув дастурларини модификациялаш ва махсус режа асосида ишлай билиш; ўқитишнинг самарали методларига эга бўлиш; ижодий ғояларни амалга ошириш учун қулай шароит ярата билиш; таълим олувчилар когнитив қобилиятларини рағбатлантиришни билиш; турғун характерга эга бўлиш, бағри кенглик, жонли фаол ҳаракат ва ҳаётни севиш.

Хулоса қилиб айтганда, иқтидорли талабалар билан шуғулланувчи ўқитувчилар шахсий ижодкорлигининг интегратив характеристикаси унинг ўз шахсий ижодий фаолиятини ривожлантиришига боғлиқ. Бу позиция агар педагог ўз ижодий ривожланишига тайёр бўлмаса, бу каби жараёнларни амалга оширишнинг аҳамиятини ҳис этмаса, ўзига нисбатан уни амалга оширишга қобилияти бўлмаса, равшанки у ўз талабаларида олдиндан табиатдан совға қилинган ижодий потенциал кучларини очиш механизмларини ишга туширишга қодир эмас.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. «Юсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. / «Халқ сўзи», 2012 йил 18 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, 2017 йил 14 январь. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017, -С. 104.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил, 23 декабрь, 258-сон.
4. Выготский Л.С. Педагогическая психология. -М.: Педагогика-Пресс, 1999, -С.536.
5. Теплов Б.М. Психология индивидуальных различий. Способности и одаренность. Психология музыкальных способностей. Ум полководца. Заметки психолога при чтении художественной литературы]: Избранные труды : в 2 томах / Б.М.Теплов. - Москва: «Педагогика», 1985, -С. 328.
6. Тряпицина А.П. Ценностно-смысловые ориентиры построения содержания дисциплины «Педагогика» //Письма в Эмиссия.Оффлайн (The Emissia.Offline Letters): электронный научный журнал. -Июль 2009, ART 1339. -СПб., 2009г. - URL:<http://www.emissia.org/offline/2009/1339.htm>. – Гoc.рег. 0420900031. -ISSN 1997-8588.
7. Renzulli, J.S. (1994). Schools for talent development: A practical plan for total school improvement. Mansfield Center, CT: Creative Learning Press.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг асосий муаммоларидан бири бўлган иқтидорли талабаларни танлаб олиш ва уларни ўқитишни ташкил этиш масалаларига бағишланган бўлиб, талабалардаги математик иқтидорни ўргатишга доир илмий изланишлар, илғор педагогик тажрибалар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари билан боғлиқ бўлган изланишларнинг кенг қўламда амалга оширилаётганлигига қарамадан, талабалар иқтидорини аниқлаш муаммосига кам эътибор қараётганлиги ҳақида айtilган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается отбору талантливых студентов и организации их обучения, что является одной из основных задач «Национальной программы по подготовке кадров обучения», анализируются научные исследования, передовой педагогический опыт в изучении математических талантов у студентов. В то же время отмечается, что, несмотря на широкомасштабные исследования в области передовых педагогических и современных информационных и коммуникационных технологий, мало внимания уделяется проблеме определения таланта студентов.

SUMMARY

The article is devoted to the selection of gifted students and the organization of their teaching, which is one of the main problems of the "National Program of training staff", the author analyzes scientific researches, advanced pedagogical experience in the study of mathematical talent in students. At the same time, despite the fact that research related to advanced pedagogical and modern information and communication technologies is being carried out on a large scale, little attention is paid to the problem of determining the talent of students.

СПЕЦИФИЧЕСКИЕ СТРАТЕГИИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ПОНИМАНИЯ ПРОЧИТАННОГО

А.О.Толеубаева – ассистент преподаватель

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Таянч сўзлар: ўқиш, ўқилган матнни тушуниш, стратегиялар, танқидий фикрлаш, тушунишни ривожлантириш.

Ключевые слова: чтение, понимание прочитанного, стратегии, критическое мышление, развитие понимания.

Key words: reading, reading comprehension, strategy, critical thinking, development of comprehension.

Чтение – процесс познания и анализа какой либо информации. Для анализа и понимания прочитанного ученики должны освоить некоторые специфические стратегии для развития понимания. Зрелое и критиче-

ское чтение требует скоординированного и гибкого использования нескольких стратегий. Студентам нужно использовать репертуар активных стратегий понимания, таких как прогнозирование, связывание текстового